Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш инженерлари институти

«ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» КАФЕДРАСИ

# МАВЗУ: ХАБАР БЕРИШ СИГНАЛЛАРИ ВА УЛАРГА БИНОН АХОЛИНИНГ ХАТТИ ХАРАКАТИ

Хабар бериш - фукоро мудофаси, фукоро мудофаси кучлари ва ахолига огохлантириш сигналларини етказиб бериш учун воситалар ва усуллар мажмуи.

**Хабар беришнинг асосий вазифалари:**

- 1. Бошкариш органларига ва ФМ кушинларига фукаро мухофазаси тадбирларини уз вактида етказиш.
- 2. Бошкариш органлари ва Фукаро мухофазаси кушинларига, хамда ахолига барча турдаги фавкулодда ходиса (харбий, техноген, табий ва х.к.) тугрисида уз вактида ахборат етказиш ва уларни огохлантириш.

***Алоқа ва хабар беришни ташкил этиш.***

- Фуқаро муҳофазаси ҳавф - хатар ҳақида ёки унинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар ва маълумот беришдан бошланади.
- Аҳолига хабар бериш - бу юзага келиши мумкин бўлган, зилзила, сув босиши, ёки бошқа табиий офатлар ҳақида огоҳлантириш бўлиб, ўтган авария, катастрофалар ҳақида хабар беришдир.
- Хабар бериш аҳолига тушунарли аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади. Мақсад аҳолини эътиборини инсонлар ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи қандайдир вазият содир бўлиши мумкинлигига қаратиш ва бундай вазиятларда харакат тартибини

Хабар бериш тизими – фукаро мудофаси бошкаруви тизимининг бир кисми, яъни кучларнинг ташкилий-техникавий бирлашмаси ва хабар беришнинг махсус техник воситалари, телекоммуникация тармоклари, жамоат аълока тармоклари каналлари ва идоравий коммуникация тармоклари.

**ФМ хабар бериш тизими турлари:**

- 1. Объект (Локал).
- 2. Махаллий;
- 3. Республика;
- 4. Трансчегаравий.

**Сигнал группаси:**

1. ФМ ФВ БО кучларига, ФМ кушинларини ва ФВВ харбий кушинларига жанговар шайлик холати учун бериладиган бошкариш сигнали.

- А). Мудофа Вазирлиги каналлари оркали;
- Б). Фавкулодда вазиятлар Вазирлиги каналлари оркали.

2. Фукаро мухофазаси, унин кисмларини шахардан ташкари жойларга утказиш, умумий ёки кисман кучиш (эвакуация) учун бошкариш сигналлари;

- факат ФВВ каналлари оркали

3. Уруш холати булиши мумкинлиги ёки булганлиги тугрисида ахолини огохлантириш сигнали.

# ФВ хавфи ёки содир булганда БО, ФМ кучлари ва ахолига хабар бериш СИГНАЛЛАР

*ФМ хабар бериш тизими оркали*

| Харбий холат учун ФВ | Табий-техноген холат учун ФВ |
|---|---|

Э

лектросиреналар,

Ишлаб чикариш гудоклари

**сигнал**
**«ДИККАТ ХАММАГА !"**

Суз оркали хабар

<u>ФМ БО учун</u> - **«Хаво хавфи":**
- **ракета хавфи** ( хаво кучлари учун)
- **авиациа хавфи** (ПВО)

<u>Ахоли учун</u> - **«Хаво тревогаси"**

**"Радиацион хавф"**

**«Кимёвий хавф"**

**Бактериологик хавф"**

**«ФВ содир булиш хавфи"**

**«ФВ содир булиши"**

**«Авария хавфи (авария Рад. Иншоот)**

**«Авария хавфи (авария кимё. иншоот)**

**«Эпидемия хавфи (эпидемия)"**

**«Сув босиш хавфи"**

**«Кучли шамол»**

**«Махсус хавфлар ФВ"**
(зилзила, сел, купорилиш, кучки ва х.к..)

ФВ буйича хабар бериш

Ахолини куткариш тадбирлари

Бошкарув органларига маълумот бериш

**Сигнал «Диккат хаммага!»**

- Аълока воситалари;
- Ёзма билдирги, маъруза ва хабар бериш

- объект и махаллий РТС;
- телевидение;
- Бошка восита ва усуллар

# Фавкулодда вазият хакида маълумот

## Жорий

Фукораларнинг узини узи бошкариш органлари, ФВ бошкармаси ва ахолини фавкулодда вазиятлардан химоя килиш сохасидаги ташкилотлар фаолияти доимий таёр туришини таъминлаш мулжалланган. Жорий маълумотномада тегишли худудлар ва потенциал хавфли объектларнинг радиацион, кимёвий, тиббий-биологик, портлаш, ёнгин ва иктисодий хавфсизлик тугрисида, ва фавкулодда вазиятнинг олдини олиш ёки уни бартараф килиш учун барча куч ва техниканинг таёргарлиги борасида ташкилий ишлар

## Оператив

Фавкулодда вазият хавфиёки юзага келиши хавфи хакида ахолини хабардор килиш, натижаларини бахолаш ва уни бартараф этиш чораларини куриш учун мулжалланган.

Оператив ахборот фавкулодда вазиятнинг тахдиди ва асосий параметрларнинг холати, ахоли ва худудларни химоя килиш буйича устивор чора-тадбирлар, куткарув ишларини утказиш ва бошка долзарб вазифалар, уни тугатишга жалб килинадиган кучлар ва воситалар.

**Фавқулодда вазият юз берган жойда аҳолига хабар бериш тартиби.**

- Радиоэшиттириш ва телевидения (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни хам қўшиб) республика аҳолисига ҳабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.
- ФМ ҳабар бериш сигналлари орқали, заҳарланиш ва ҳалокатли сув босиш хавфи ҳақидаги огоҳлантириш, шунингдек юзага келган ҳатти-ҳаракат тартиби ҳақидаги ахборотни республика (маҳаллий) эшиттиришларида овозли хабар тарзида аҳолига етказилади.
- ФМ ҳабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун ҳудудга ҳам, шунингдек ҳудудларни танлаб олиб (вилоят, туманини) ҳам берилиши мумкин.
- *Масалан кимёвий хавфли объектда авария содир бўлганда қуйидагича хабар берилади: “Диққат барчага!!! Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (шаҳар бошқармасидан, бўлимидан) гапирамиз... (манзилда) Кимё комбинатида кучли таъсирчан заҳарли модда - хлор тарқаб, авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво булути йўналишида тарқала бормоқда.*

- Қуйидаги шаҳар кварталлари ва вилоят аҳоли пунктлари кимёвий заҳарланиш зонасида қоладилар. Заҳарланиш зонасига тушиб қолган фуқаролар уйларидан, муассаса, корхона, ўқув юртларидан дарҳол чиқсинлар шамол йўналишига перпендикуляр, энг қисқа йўл билан хавфсиз жойларга ўтсинлар. Ташқарига чиқишдан олдин ҳўлланган ёки 2% ли ичимлик сода эритмаси шимдирилган пахтали дока боғич нафас олиш учун оғиз буринларига тақиб олинглар.
- Кимёвий заҳарланиш ёки ҳалокатли сув босиши хавфи ҳақида КТЭЗМ бор объектларнинг диспетчерлари (смена муҳандислари) тўғридан тўғри уланган симлар (радиостанциялар) ёрдамида вилоятларнинг тезкор навбатчиларига хабар беради.
- Шундай қилиб, ФВ хавфи борлиги ёки юзага келиши ва аҳолини хатти -харакатлари хақидаги ахборотни тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида етказиш хабар бериш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, унга оммовий ахборот воситалари бошқарув пунктларини, нозимлик хизматларини мос аппаратлар, хабар бериш маътинлари ёзилган аудио ва видео тасмалари билан аввалдан таъминлаб бериш орқали эришилади.

# «ХАВО ТРЕВОГАСИ» БЕРИЛГАНДА АХОЛИНИНГ ХАТТИ ХАРАКАТИ

«Хаво тревогаси» берилганда ( узуксиз сирена) – ахолининг хатти харакати куйидагилардан иборат:

- 1. Ханадондаги барча деразаларни кора мато билан ёпиш;
- 2. Газ, электр ва сув манбаларини ёпиш;
- 3. Керакли хужжатларни олиш;
- 4. Шахсий химоя воситасини шай холга келтириш;
- 5. Аптечкани олиш;
- 6. Узи билан кушимча эхтиёт шарт нарсаларни (сув, озик-овкат, иссик кийим – бош ва х.к.);
- 7. Хонани герметиклигини текшириб чикиш;
- 8. Кушниларни огохлантириш;
- 9. Лозим булса касаллар ва узи юра олмайдиган инсонларга ёрдам бериш»;
- 10. Зудлик билан белгиланган панагохларга бориш;
- 11. Панагохга боришнинг иложи булмаса, енг якин пана жойга бориш ёки уни танлаш;
- 12. Зудлик билан шахсий химоя воситасини кийиш;
- 13. Доимий равишда берилаётган хабарларни эштиб бориш;
- 14. ФВ комиссияси буйрукларини сузсиз бажариш.

- **Уяли алоқа телефонидан хизматларни чақириш тартиби**
- MTS компанияси абонентлари учун *01
- BEELINE компанияси абонентлари учун #01
- PERFECTUM компанияси абонентлариучун 01
- UCELL компанияси абонентлари учун 010

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни. 20 август 1999 й.

2. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида" ги Қонуни. 26.95.2000 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2008 йил 26 декабрдаги «Вазирликлар ва идоралараро кундаликда хамкорлик қилиш ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ахборот алмашинуви Йўриқномасини тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида»ги 3-сонли буйруғи.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-Қарори.